

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

АСКАРОВ БАХОДИРЖОН

**ВИБРОН ТУШУНЧАЛАРИ АСОСИДА ПОЛИМЕР
НАНОТИЗИМЛАРДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ЎЗ-ЎЗИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СИНЕРГЕТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.06 – полимерлар физикаси
02.00.12 – нанокимё, нанофизика ва нанотехнология
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the thesis of doctoral (Doctor of Science) dissertation

Аскарлов Баходиржон

Виброн тушунчалари асосида нанополимер тизимларда юзага келувчи ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини синергетик моделлаштириш..... 3

Аскарлов Баходиржон

Синергетическое моделирование процессов самоорганизации в полимерных наносистемах на основе вибронных представлений..... 27

Asqarov Bahodirjon

Synergetic modeling of self-organization processes in polymer systems on the base of the vibronical conceptions..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

АСКАРОВ БАХОДИРЖОН

**ВИБРОН ТУШУНЧАЛАРИ АСОСИДА ПОЛИМЕР
НАНОТИЗИМЛАРДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ЎЗ-ЎЗИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СИНЕРГЕТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.06 – полимерлар физикаси
02.00.12 – нанокимё, нанофизика ва нанотехнология
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/FM173 рақами билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Андижон давлат университети ва Андижон машинасозлик институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар :

Рашидова Сайёра Шарафовна

Кимё фанлари доктори, профессор, академик

Оксенгендлер Борис Леонидович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар :

Мамадалимов Абдуғафур Тешабаевич

физика-математика фанлари доктори, академик

Матрасулов Даврон Урунович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Нечипоренко Юрий Дмитриевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашининг «___» _____ 2021 й. ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, бино 7^б. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871) 241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, бино 7^б. Тел.: (998-71)-241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Ашуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.М. Усманова

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш котиби,
к.ф.н., катта илмий ходим

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш семинар
раиси, т.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда нанообъектларнинг ўзига хос мураккаб тузилишлари туфайли вужудга келган ноёб хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мураккаб нанотизимлардаги ўзгаришларнинг умумий қонуниятларини тадқиқ этишнинг муҳим вазифаларидан бири полимер нанотизимларидаги ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини синергетик моделлаштиришдир. Мувозанат ҳолатидан узоқда бўлган мураккаб объектларни ўрганишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш полимерлар физикасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда наноўлчамдаги объектларни, шу жумладан, энг мураккаб жонли тизимларни тадқиқ этишга термодинамика ва нозичли динамика усуллари ёрдамида уларнинг электрон тузилиши ва атом жараёнларини ўрганиш асосида ёндошилмоқда. Ҳозирда полимер нанотизимлардаги каталитик жараён тадқиқотлари туфайли бевосита полимеризация пайтида полимер нанокомпозитларни синтез қилишга эришилган ва бундай жараёнлар синергетика, фрактал анализ, қайтмас агрегацияланиш моделлари, аномал диффузия концепцияси каби замонавий физикавий концепциялар асосида ифодаланган. Бу борада нанообъектларнинг атом ва электрон тизимларини ифодалаш ва бошқариш, кимёвий реакцияларнинг механизмларини тадқиқ этиш, полимер нанотизимларга виброн назариясини қўллаш, нанокатализнинг кимёвий кинетикаси, нанообъектларнинг ўсиш ва ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини, жумладан жонли тизимлардаги, қатор масалаларни ечиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда махсус физикавий, кимёвий ва биологик хоссаларга эга бўлган материаллар, наноқурилмалар ва наноструктураларни яратиш, шунингдек, алоҳида атом, молекула, молекуляр тизимларни бошқаришга эришиш учун нанометр ўлчамдаги фазода юз берувчи, физикавий-кимёвий жараёнларнинг қонуниятларини ўрганишга катта эътибор берилиб, фан ва таълимни ривожлантириш, ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Илм-фан ва таълимни интеграциясида, назарий билимларни амалиёт билан боғлаш масалаларини ҳал этишда синергетика принциплари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” дастури доирасида Ўзбекистон

Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда амалга оширилди.

Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи. Электрон структура, нанообъектлар иштирокидаги кимёвий реакцияларнинг механизмлари, жумладан полимер нанотизимлар билан, нанокатализ кимёвий кинетикаси, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнлари ва нанообъектларни ўстириш билан қатор етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий-таълим муассасалари; жумладан Штутгарт университети, Мартин-Лютер университети, Фридрих-Александр университети, Эрланген-Нюрнберг университети (Германия), Флорида халқаро университети, Калифорния университети, Аризона давлат университети (АҚШ), Брюссел Озодлик университети (Бельгия), Ульянов давлат аграр университети, В.А. Стеклов номидаги Математика институти, Амалий математика институти (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Фан ва техниканинг турли соҳаларида синергетика усуллари қўллашга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: табиий ва ижтимоий тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнлари тадқиқ этилган (Штутгарт университетининг Назарий физика институти ҳузуридаги Синергетика маркази, Германия), биополимер структуралардаги ўз-ўзидан йиғилиш жараёнлари ўрганилган (Франция давлат университети, Франция), ўз-ўзидан йиғилиш жараёнини ифодалашнинг умумий тамойилларига назарий ёндашувлар таклиф этилган, конденсат ҳолатидаги номувозанат квант нанотизимларидаги ўз-ўзини ташкиллаштириш ўрганилган (Кимё ва кимё-доришунослик технологиялари институти, Россия), номувозанат термодинамик тизимларда маълум шароитда модда ва энергияни ташқи муҳитдан ютиб, мураккаблашув сари кескин сакраб ўтиши кўрсатилган (Брюссел университети, Бельгия), ютувчи ва чиқарувчи элементлардан ташкил топган тизимларни ифодаловчи ночизиқлик параболик тенгламалар ечимларининг кенг синфи таҳлил этилган ва янги усуллари ривожлантирилган, реакция-диффузия тизимларида диффузияланган хаос ва мураккаб тартиблашув таҳлил этилган (Москва давлат университети, Россия), синергетикавий жараёнларни ифодалаш учун ҳалокатлар назарияси номи билан танилган математик аппарат ишлаб чиқилган (Сорбонна университети гуруҳи, Франция), динамик хаос ва мураккаблик муаммоси, фрактал геометрия ва фракталлар назарияси ривожлантирилган (Калифорния технология институти, АҚШ), ўзига ўхшаш объектлар геометрияси асосида динамик хаос структуралари ифодаланган, кўринишини сақлаш ва таниш давомида ахборотни самарали зичлаштириш имконияти очилган, (Париж университети, Франция), ночизиқлик усуллар ёрдамида олиш, йиғиш, узатиш, барқарорлик, реакция фаоллиги ўрганилган, шунингдек нанозаррачалардан тузилган материалларнинг хоссалари тадқиқ этилган (Миллий илм жамғармаси, АҚШ).

Дунёда ночизик динамика, ўз-ўзини ташкилантириш, синергетика бўйича куйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар кўплаб олиб борилмоқда, жумладан: синергетиканинг математик аппарати назарий физиканинг турли соҳаларини ўз ичига олган ночизикли ва номувозанат термодинамика; ҳалокатлар назарияси; гуруҳлар назарияси; тензорлар таҳлили; дифференциал топологияни ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Очик тизимлардаги номувозанат жараёнлар, қайтмас жараёнлар, тизим ҳолатларидаги флуктуациялар (тартибсиз оғишлар) ва энергия диссипацияси (сочилиши), қайтмас жараёнлар термодинамикаси, ўз-ўзини ташкилантирувчи тизимлар ва қурилмалардаги нотурғунликларнинг иерархияси кўп олимлар томонидан ўрганилмоқда, жумладан, бельгиялик (И. Пригожин ва бошқлар), германиялик (Х. Хакен), америкалик (М.Фейгенбаум), россиялик (С.П. Курдюмов). Бироқ ушбу тадқиқотлар полимер тизимларни ва улар асосидаги нанотизимларни ўрганишга қўлланилмаган.

Ночизик жараёнлар синергетикасини, динамик тизимлар ва динамик хаос назарияларини, суюқликлар механикасини жаҳон олимлари Х. Бенард (Франция), Р.М. Мэй, Х. Холдейн, В. Волterra, А. Тюринг, А. Лодка, Ж. Ньюманн, (Буюк Британия), Э. Лоренц (АҚШ), Ф. Такенс (Голландия), Д. Рюэл (Бельгия), Ф. Шлёлл (Германия) томонидан ўрганилган. Бироқ, ҳозирга қадар, наноструктуралардаги фракталлик ва ўлчам билан боғлиқ бўлган омиллар, ҳамда нанокатализ ва нанозаррачаларни ўсиш жараёнларини кўрсатувчи назария яратилмаган.

Синергетикавий ёндашув асосида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини янги тури – динамик хаос, статистик физика ва динамик тизимлар назарияси асосида америкалик (М. Фейгенбаум, Ж. Биркхоф, франциялик (Й. Помо, П. Манневилле), россиялик (Л. Каданов, П. Берже, Г. Малинецкий, А. Потапов, А. Подлазов) олимлар томонидан ўрганилган. Кимёвий реакциялар координатасини аниқлашда виброн концепциясини қўллаш масаласи бугунги кунда ечилмаган бўлиб, полимерлар иштирокидаги кимёвий реакцияларда нотурғунлик ва ўлчам эффектлари ўрганилмаган. Ночизик тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини вужудга келиши ифодаланган, мураккаб квант объектларда ночизик ҳодисалар, синергетикавий объектларни фрактал хоссалари, нанополимер тизимларнинг синергетикавий хоссалари, нанозаррача сиртининг реакцияга мойиллигининг виброн жиҳатлари ўрганилган. Полимер агропрепаратлар ва улар асосида тайёрланган нанотизим билан қопланган пахта уруғини униб чиқишидаги динамик жараёнларни ўрганиш учун синергетика усулидан фойдаланилган.

Жаҳон миқёсида, тиббиётда, электроника ва қишлоқ хўжалигида хаос назариясидан, корреляция ўлчови ғоясидан ва аломат аттрактор фрактал ўлчамларини ўлчаш, кимёвий реакцияларнинг бошқариш схемаларини ишлаб чиқиш устидаги тадқиқотлар кўпчилик олимлар томонидан, шунингдек, ўзбекистонлик олимлар (С. Рашидова, Б. Оксенгендлер, Н. Тураева) томонидан “Реагент+Маҳсулот” тизимининг бифуркация тўпламини

аниқлаш ўрганилган. Шу билан бирга ўзида нанокластерлар сиртида юз берувчи жараёнлар ва полимерланишнинг автокаталитик босқичини аниқлаш, нанозаррачаларнинг сирт электронлари ҳолатларининг ундаги жараёнларга таъсири ва номувозанат шароитда нанозаррачаларнинг ўсишини ўрганишда Кюри-Пригожин принциpidан оғиш, яъни номувозанатлик эффектидан фойдаланилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг ФА-Ф7-Т-008 “Нанополимер тизимларининг биологик фаол хоссаларини табиий полисахаридларни синтези ва модификацияси билан ўзаро боғлиқлиги”; ФА-Ф-3-Т 100: “Полимерлардаги наноструктуралар, ҳосил бўлиш усуллари ва полисахаридларнинг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлиш шакллари” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полимер нанотизимларнинг электрон-ион структурасидаги ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини синергетикавий моделлаштириш усулини ишлаб чиқиш ва полимер нанотизим хоссаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

макромолекуланинг чегараланган атомлар гуруҳи (ЧАГ) виброн нотурғунликларини ўрганиш учун асосий моделни ишлаб чиқиш;

макромолекуланинг ЧАГ виброн нотурғунлик ва кимёвий реакциянинг ночизик кинетикаси ўртасидаги боғланишни ўрганиш;

полимер нанотузилманинг электрон-ион тизимидаги номувозанат ҳолатларда атомларнинг қайта жойлашув жараёнларини аниқлаш;

нанозаррача сиртида юз берувчи димер диссоцияси, дезацетилланиш реакцияси ва катенан ҳалқаларига ажралиши элементар босқичларининг бошқариш параметрларини аниқлаш ва синергетик моделлаштириш;

полимер нанотизимларнинг баъзи хоссаларига, нанозаррача сиртида жойлашган электронлар таъсирини ўрганиш;

ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг автокаталитик жараёнига электронлар таъсирини (U – манфийлик) ўрганиш;

полимер нанотузилмаларга уларнинг ўлчови ва ўлчами билан боғлиқ таъсирларни тадқиқ этиш асосида синергетика усул ва моделларини қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш.

Тадқиқот объекти сифатида макромолекуланинг электрон-ион тизими олинган. Объектнинг асосий параметрлари ўлчов, ўлчам (шу жумладан фрактал ўлчов) ва электрон-тебраниш катталиклари олинган.

Тадқиқот предмети нанополимер тизимларидаги электрон-ион жараёнлар; макромолекулани электрон-ион тизимидаги номувозанат ҳолатларида наномасштабдаги тузилмаларни шаклланиш жараёнлари; макромолекула ЧАГ идаги виброн эффектлари; нанозаррачаларни ўсиш жараёнларида номувозанатлик билан боғлиқ эффектлар ва макромолекуляр тизимлардаги дисперсланиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Наномикёсдаги макромолекуляр тизимларда электрон-ион структурада юз берувчи ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнларини ўрганишда синергетика усулларида фойдаланилди. ЧАГнинг электрон структураси квант кимё усулларида, кўп таркибли ночизиқли кимёвий кинетикага оид тенгламалар Гир усули асосида тайёрланган “PLASER” дастурий таъминотидан, динамик тизимда юз берувчи бифуркациялар Том-Арнольд усулидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор полимер нанотизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини ўрганиш учун макромолекуланинг чегараланган атом гуруҳлари (ЧАГ) тушунчаси киритилган;

илк бор ЧАГда юз берувчи бифуркациялар ва кимёвий кинетика стационар ҳолатларида юз берувчи нотурғунлигикларни тадқиқ этишнинг топологик моделлари тузилган;

илк бор полимер нанотизимлардаги автокаталитик жараён билан электрон-ион структура ўртасидаги U-манфий боғланиш аниқланган;

нанообъектларда Кюри-Пригожин принципини бузилиш мезони аниқланган;

полимер нанотизимлардаги электрон-ион жараёнларига сирт электрон ҳолатларининг таъсири аниқланган;

илк бор макромолекулалардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини ўрганишга эркин валентлик, виброн нотурғунлик ва симметрияни пасайтирувчи тушунчалардан фойдаланилган;

илк бор макромолекула чегараланган атом гуруҳлари виброн нотурғунлиги ва ночизиқ кинетика ўртасидаги ўзаро алоқани таҳлил этиш асосида полимер нанотизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг моделлаштириш алгоритми яратилган;

нанозаррача сиртида димернинг диссоцияланиш жараёнида N-ацетилглюкозаминнинг дезацетилланиш реакцияси ва катенан ҳалқалари ажралиш реакцияларининг элементар босқичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллигини ташҳис қилиш учун инсон нафаси таркибида мавжуд биоген аминларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

атеросклерознинг ривожланиш жараёнида липидлар ва углеводлар алмашинувидаги ўзгаришларнинг аҳамияти аниқланган;

оксидланиш – қайтарилиш реакцияларида автокаталитик босқични вужудга келиш шартлари топилган;

тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашда синергетика усуллари асосида интерфаол ўқитишни ташкил этишга бағишланган ўқув – услубий қўлланма амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини виброн моделлар ва кинетик схемалар асосида олинган натижалари тажрибада аниқланган маълумотлар билан сифат жиҳатидан мос келишувига эришилганлиги билан изоҳланади. Иккинчи томондан макромолекуланинг ЧАКига оид виброн

моделлар моҳиятан кимёвий реакцияларнинг Берсукер томонидан ишлаб чиқилган виброн концепциясига зид эмас, балки уни синергетиканинг тартиб параметри тушунчаси билан ривожлантиради ва у билан бошқарув параметрини носимметрик қисми мавжуд бўлмаганда тўла мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синергетика усуллари билан кимёвий реакциялар концепциясининг ўзаро интеграцияси ҳисобланиб, унинг асосида нанотизимларда атомларни қайта жойлашув жараёнларини ўрганиш имконини берувчи алгоритм ишлаб чиқилган. Виброн нотурғунлик мезонидан фойдаланиб, ушбу алгоритм макромолекулалардаги ЧАГидаги жараёнларни ўрганиш учун қўлланилади. Синергетик моделлаштиришнинг бошқарув параметрлари нанополимер тизимларнинг динамик хусусиятларини тавсифлаш имконини бергани сабабли тажриба ишларини режалаштиришда илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Айниқса синергетикавий моделлаштириш усули ва кимёвий реакцияларнинг виброн концепцияси ёрдамида нанообъектлардаги атомларнинг қайта жойлашув жараёнларини ўрганиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синергетикавий моделлаштириш юрак-қон томир тизимидаги патологик ҳолатларни вужудга келишида илгари номаълум динамик механизмларни аниқлаш имконини берди. Артериал қон томирлари бўйлаб атеросклеротик тузилмаларни мужассамлаштириш ёки ёйиш оқибатлари, шунингдек диабет ва атеросклерознинг ўзаро таъсирининг янги синергетик хусусиятларини аниқлаш асосида одам касалликларини даволашнинг янги усуллари очиши билан катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виброн тушунчалари асосида полимер нанотизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини синергетикавий моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полимер нанотизимлардаги автокаталитик жараён билан электрон-ион структура ўртасидаги U-манфий боғланиш, нанообъектларда Кюри-Пригожин принципини бузилиш мезони, полимер нанотизимлардаги электрон-ион жараёнларига сирт электрон ҳолатларининг таъсири ДН-22-2019 рақамли “Нометалл кристаллардаги наноструктуравий дефектларини ўзаро бир-бирига айланиш жараёнларини бошқаришнинг янги технологиялари” лойиҳасида синергетикавий моделлаштириш усули қўлланилган. (Ош давлат университетининг 2020 йил 4-декабрдаги 210-рақамли маълумотномаси). Натижада фрактал тузилмага эга бўлган нанотолаларни ноёб физикавий ва кимёвий хоссаларини бошқариш имконини берган;

макромолекула чегараланган атом гуруҳлари виброн нотурғунлиги ва ночизик кинетика ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш алгоритми ССВ-Ф-037 рақамли “Овқат ҳазм қилиш безларининг функциялари бузилишининг патогенетик механизмларида протеазалар ва протеаза фаол жигар

рецепторлари ролини ўрганиш” фундаментал лойиҳада топоизомераза фаоллигига оид натижалар қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16-ноябрдаги 89-03-4727 рақамли маълумотномаси). Натижада протеаза ва жигар рецепторлари функцияларидаги ўзгаришларни сифат жиҳатидан баҳолаш имконини берган; макромолекулалардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини ўрганишнинг фойдали моделлари эркин валентлик, виброн нотурғунлик ва симметрияни пасайтирувчи тушунчалардан Ф2-ФА-Ф162 рақамли “Кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм сирти билан таъсирлашуви” фундаменталь лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 2020 йил 4-декабрдаги 2/1255-2740 рақамли маълумотномаси). Натижада фрактал хоссага эга бўлган сиртда кўп атомли заррачаларни ионизацияланиш жараёнларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг синови. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ҳамда 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан 17 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган хорижий нашрларда 3 та ва маҳаллий нашрларда 14 та мақолалар эълон қилинган. Бундан ташқари, 3 та интеллектуал мулкга доир хужжат (битта муаллифлик гувоҳномаси, иккита рационализаторлик таклифлари ва ночизиқли кинетикани моделлаштириш ва бифуркация параметрларини аниқлашнинг битта алгоритми яратилган) мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва кўлами. Диссертация иши кириш, икки қисм, бешта боб, хулосалар, 72 та расм, 12 жадвал ва 180 фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ҳамда битта иловадан иборат бўлиб, у 195 саҳифада ифодаланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида синергетиканинг фундаментал асосларини таҳлил қилиш ва фаннинг турли соҳаларида, шу жумладан биополимер фани ва тирик тизимлар соҳасидаги маълумотларни кўриб чиқиш асосида, диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган ва муаммо аниқланган. Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари қисқача ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот натижаларининг бажарилиши ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Синергетик моделлар ва усулларининг шарҳи”** номли биринчи бобида макромолекулада ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини ўрганиш учун синергетик усулларни таҳлил қилиш асосида иккита усул танланди: ҳалокатлар назарияси ва дискрет акс эттириш. Ушбу

икки усул муаммони ҳал этишга етарли эканлиги ва диссертация ишида кўриб чиқилган нозик тизимларнинг асосий хусусиятларини сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун етарли эканлиги кўрсатилган. Ҳалокатлар назариясининг усуллари физикавий-кимёвий тизимлардаги узлуксиз ва кескин тусда-узилиш билан юз берувчи ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини ўрганиш учун ишлатилган. Дискрет акс эттириш усуллари эса юрак ва ўпканинг ўзаро уйғун ишлаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида одамнинг соғ ва касал ҳолатларини ўрганиш учун қўлланилган.

Диссертациянинг **“Квазибирўлчамли нанотизимлардаги электрон-ион жараёнлар”** номли иккинчи бобида электрон конфаинмент ва нанозаррача сирт чегарасининг фрактал тузилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Нанотизимлар тузилишидаги бузилиш ва тартибланиш жараёнлари туфайли виброн таъсирини сифат жиҳатидан ўзгариши мумкинлиги кўрсатилган.

Нанокластерда ўз-ўзини ташкил этиш жараёлари хитозан мономерларининг бир-бирига нисбатан жойлашувининг тартибига қараб унинг биологик фаоллигини аниқлаш вазифаси сифатида шакллантирилган.

Виброн концепция асосида қайтмас жараёнларнинг микроскопик тавсифи берилган. Синергетиканинг асосий моделларини таҳлил қилиб, синергетикавий масалаларни ечишда мувозанат ҳолатларини ўрганувчи кимёвий кинетика тушунчаларининг чегараланганлиги кўрсатилган.

Кимёвий реакцияларни микроскопик таснифлаш усуллариининг қиёсий таҳлили ўтказилган. Молекуляр орбитал (МО) корреляцион диаграммалар усули уларни симметрия бўйича таснифлаш учун гуруҳли-назарий таҳлилин талаб қилади. Мономолекуляр реакцияларни таҳлил қилишнинг Фукуи усули молекулани икки қисмга ажратади. Бўлинган қисмлардан бири юқори эгалланган молекуляр орбитал (ЮЭМО) ва бошқаси пастки бўш молекуляр орбитал (ПБМО) бўлиши керак. Бундай ҳолда, муаммо молекуланинг икки қисмга ажратишдаги ноаниқлик туфайли юзага келади. Триндл томонидан МОларнинг тугунлар сонини сақлаган ҳолда, максимал ўзаро туташган йўлни аниқлашнинг янада ривожланган усули ишлаб чиқилган.

Дюар таъсирлашувчи реагентлардан бирини кичик жой алмашинишида МО комплексларини таҳлил қилиш орқали бимолекуляр реакцияларни ўрганиш усулини ишлаб чиқди. Бундай ҳолда электрон ҳолатларининг ўзаро аралашини поляризация кучларини ва унинг натижасида кимёвий боғ пайдо бўлади. Бу ҳолда боғланиш энергияси (ε) ифодасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\varepsilon = \varepsilon_{R_1}^0 + \varepsilon_{R_2}^0 + \langle \psi_{R_1 R_2}^0 | H | \psi_{R_1 R_2}^0 \rangle + \sum_k \frac{\langle \psi_{R_1 R_2}^0 | H | \psi_{R_1 R_2}^k \rangle}{\varepsilon_{R_1}^0 + \varepsilon_{R_2}^0 - \varepsilon_{\{R_1 R_2\}}^k} \quad (1)$$

Бу ифодада R_1 ва R_2 эркин реагентлар ва $\varepsilon_{R_1}^0 + \varepsilon_{R_2}^0$ уларнинг энергияси $\psi_{R_1 R_2}^0 \approx \psi_{R_1}^0 \psi_{R_2}^0$ - R_1 ва R_2 лардан иборат комплексларнинг асосий ҳолатини ифодаловчи тўлқин функциялари. Ушбу усул Q_R нинг кичик оралиғида

$\varepsilon(Q)$ ни аниқлашга ва реакциянинг дастлабки босқичида энергия жиҳатидан энг қулай йўналишни аниқлашга имкон беради, аммо ўтиш ҳолатида бу усул қийинчиликларга дуч келади. Ушбу қийинчиликни енгиш учун электрон-тебранишли ўзаро таъсирлашув тизимнинг тўла потенциал энергиясини – U аниқлашда ҳисобга олинади. Бундай ёндашув асосида кўзғолиш назариясининг иккинчи тартибида тебраниш турлари (мода) - Q фазосидаги потенциал энергия рельефи - $\varepsilon(Q)$ куйидаги шаклга эга бўлади:

$$\varepsilon = \varepsilon_0 + \langle \psi_0 | \frac{\partial U}{\partial Q} | \psi_0 \rangle Q + \langle \psi_0 | \frac{\partial^2 U}{\partial Q^2} | \psi_0 \rangle \frac{Q^2}{2} + \sum_k \frac{|\langle \psi_0 | \frac{\partial U}{\partial Q} | \psi_k \rangle Q|^2}{\varepsilon_0 - \varepsilon_k} \quad (2)$$

Эйринг томонидан ишлаб чиқилган ўтиш ҳолати назарияси ҳам кимёвий кинетикани ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу назария муаммонинг динамик қисмини четлаб ўтади ва реакция пайтида ядроларнинг қайта жойлашувини классик механика асосида аниқлайди. Реагентлар фаоллаштирилган комплекс билан динамик мувозанатда бўлади: $T \leftrightarrow R_1 + R_2$ ва мувозанат доимийси куйидагича ифодаланади:

$$K_0 = \exp(\Delta S/k) \exp(-U/kT) \quad (3)$$

Бу ифодада ΔS реагент ва фаоллаштирилган комплекс ўртасидаги энтропия фаркидир.

Фаоллаштирилган комплекс - T ни парчаланиши қайтарилмас жараён сифатида қабул қилинади: $T \rightarrow R$. Реакция доимийси: $K_T = kT/h$; шунинг учун ўтиш ҳолати назариясида R ни P га айланиш тезлиги куйидагича аниқланади: $K = K_0 \cdot K_T$. Бирок, фаоллашув энергиясини ҳам, фаоллаштириш энтропиясини ҳам керакли аниқликда ҳисоблаб топиш қийин, бу эса ушбу ёндашувни қўллашни яна жиддий чеклайди.

Кимёвий реакцияларни ўрганишда бизнинг ёндашувимизга кўра, макромолекула чегараланган атомлар гуруҳларининг турғунлиги виброн тушунчалар асосида кўриб чиқилади. Макромолекула занжири бўйлаб жойлашган атомлар гуруҳининг турғунлигини бошқариш параметрларини аниқлаш учун Q реакция координатаси бўйлаб потенциал рельеф куйидаги шаклда ифодаланади:

$$W = \frac{U_0}{2} (1 + \cos(\frac{2\pi}{a} Q)) \quad (4)$$

Макромолекула таркибидаги кимёвий қисм ва чегараланган атомлар гуруҳи (ЧАГ) ўртасидаги ўзаро таъсирнинг потенциали куйидагича ифодаланади:

$$V = U_n (\frac{a}{Q})^n; n = 1, U_1 = -\frac{ze^2}{a} \quad (5)$$

Тўлиқ потенциал рельеф: $E = V + W$ га тенг бўлади. Шундай қилиб, $E(Q)$ ни Q_0 атрофида кичик силжишлар $X = Q - Q_0$ бўйича қаторга ёйиб куйидаги ифодага эга бўламиз:


$$E = U_0 - \frac{U_0 \pi^2}{a^2} X^2 + \frac{U_0 \pi^4}{3a^4} X^4 + U_n \frac{a^n}{U_0^n} (1 - \frac{nX}{Q_0}) \quad (6)$$

$E(X)$ потенциалнинг экстремал нуқталари куйидаги шарт $dE/dX = 0$ асосида аниқланади ва куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$X^3 - \frac{3a^2}{2\pi^2}X - \frac{3na^{4+n}}{4U_0\pi^4Q_0^{n+1}} = 0; \quad u_1 = -\frac{3a^2}{2\pi^2}; \quad u_2 = -\frac{3na^{4+n}}{4U_0\pi^4Q_0^{n+1}}. \quad (7)$$


Ушбу муносабатларга кўра, потенциал рельефининг иккита кўшни минимумлари ўртасидаги масофанинг ўзгармас қийматида фақат энергия тўсиғининг баландлиги кимёвий реагентларни ўзаро таъсирлашувини аниқлайди. Реакциянинг энергия тўсиғининг пасайиши назорат параметрининг мутлоқ қиймати - u_2 нинг ошишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Квазибирўлчамли нанобъектларда электрон-ион жараёнларини синергетик моделлаштириш”** номли учинчи бобида виброн тушунчалар асосида нанобъектларни синергетик моделлаштириш усулининг асослари баён этилган. Макромолекуланинг қуйи атомар тизимидаги ўз-ўзини ташкил этиш жараёнлари фақат мувозанат ҳолатидан анча узокроқда шаклланади (1-расм).



1-расм. Номувозанат ҳолатини ушлаб туриш схемаси

Нанополимер тизимлари n -қисмдан иборат бўлган чизикли занжир сифатида кўриб чиқилади (2-расм). Квазибирўлчовлик тушунчаси, ҳар бир бўғиннинг ички тузилишга эга бўлишини аниқлатади, унинг турғунлиги бутун занжирнинг ҳолатига боғлиқдир.



2-расм. Макромолекуляр тузилишнинг квазибирзанжир схемаси

Бу ҳолда n -электрон учун энергия сатҳини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин (1-жадвал):


$$\varepsilon_k = \alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi k}{n+1}\right). \quad (8)$$

1-жадвал.


Чизикли занжир энергия сатҳлари

ε_k	$k=1$	$k=2$	$k=3$
$n=2$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi}{3}\right) = \alpha + \beta$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{2\pi}{3}\right) = \alpha - \beta$	$\alpha + 2\beta \cos\pi = \alpha - 2\beta$
$n=3$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi}{4}\right) = \alpha + \sqrt{2}\beta$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi}{2}\right) = \alpha$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{3\pi}{4}\right) = \alpha - \sqrt{2}\beta$

ЮЭМО ва ПБМО ўртасидаги энергия фарқи ва энергия сатҳларининг диаграммаси 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. ЮЭМО ва ПБМО ўртасидаги энергия тирқиши



4-расм. Нанополимер тизими зичлигини макромолекула ўлчамига боғлиқлиги

ЮЭМО ва ПБМО нинг тенг миқдордаги ва тоқ сонли электронлар учун энергия сатҳи орасидаги энергия фарқи қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$\Delta_g(n) = -4\beta \sin\left(\frac{\pi}{2n+1}\right); \quad \Delta_u(n) = -2\beta \sin\left(\frac{\pi}{n+1}\right); \quad (9)$$

Макромолекула атомларининг иккита асосий маҳаллий гуруҳлари учун мос келадиган қийматлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ЮЭМО ва ПБМО энергия сатҳлари орасидаги энергия фарқи

$\beta < 0$	ε (ЮЭМО)	ε (ПБМО)	Δ тирқиш
$n=2$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi}{3}\right) = \alpha + \beta$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{2\pi}{3}\right) = \alpha - \beta$	$-4\beta \sin\left(\frac{\pi}{5}\right) = -2\beta$
$n=3$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{\pi}{2}\right) = \alpha$	$\alpha + 2\beta \cos\left(\frac{3\pi}{4}\right) = \alpha - \sqrt{2}\beta$	$\Delta_u(n) = -2\beta \sin\left(\frac{\pi}{4}\right) = -\sqrt{2}\beta$

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ЮЭМО ва ПБМО энергия сатҳлари орасидаги тирқиш макромолекула занжиридаги уланишлар сонининг кўпайиши билан торайиб боради.

Нанозаррачанинг сирти билан ўзаро таъсирида макромолекула ЧАГ ининг атомларини қайта тақсимланиш жараёнларини моделлаштириш ва бунга нанополимерлардаги баъзи таркибий ўзгаришларнинг таъсири кўрсатилган. Агар цис-изомер сиртнинг қабарик қисмида ҳосил бўлса, у ҳолда виброн нотурғунлик шarti $K < 2C^2/\Delta$ бажарилганда, унинг кўчишини келтириб чиқаради ва самарали заряднинг тоқ симметрияга эга бўлган қисми унинг жойлашувини нотурғун қилади, бу эса цис-изомернинг қўшни ҳолатга, яни ботиқ юзали қисмга ўтишига олиб келади. Бундай жараёнлар транс-изомерлар учун нанокатализатор сиртининг ботиқ жойларига урилганда кузатилади. Шундай қилиб, катализатор юзасида транс- ва цис-изомерларни ажратиш ва танлаб олиш жараёни юзага келади.

Ўн учта компонентли кимёвий фаол тизимнинг кинетик потенциалини ўрганиш рақамли моделлаштириш усули билан ўтказилди. Бунда таҳлил этилган кимёвий тенгламалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Тадқиқ қилинаётган тизим таркибий қисмларининг ўзаро алмашилиш каналлари

№	Реакция тенгламаси	Тезлик доимийси ($\text{см}^3 \cdot \text{с}^{-1}$)
1	$e + O_2 = O + O + e$	$3,0 \cdot 10^{-12}$
2	$e + N_2 = N + N + e$	$5,0 \cdot 10^{-12}$
3	$e + H_2O = H + OH + e$	$3,0 \cdot 10^{-12}$
4	$O_2^- + O_2^+ = O_2^S + O_2$	10^{-8}
5	$N + O_2 = NO + O$	$8,6 \cdot 10^{-17}$
6	$O_3 + O_2^S = O_2 + O_3$	$1,9 \cdot 10^{-15}$
7	$O_2 + H + M = HO_2 + M$	$1,1 \cdot 10^{-32}$
8	$N + NO_2 = N_2 + O_2$	$1,2 \cdot 10^{-11}$
9	$N + O_3 = NO + O_2$	$2,0 \cdot 10^{-16}$
10	$O + O_2 + M = O_3 + M$	$5,5 \cdot 10^{-34}$
11	$O + OH = O_2 + H$	$3,6 \cdot 10^{-11}$
12	$NO + O_3 = NO_2 + O_2$	$1,3 \cdot 10^{-14}$
13	$O + HO_2 = OH + O_2$	$9,0 \cdot 10^{-12}$
14	$OH + OH = H_2O + O$	$2,4 \cdot 10^{-13}$
15	$H_2 + OH = H_2O + H$	$9,0 \cdot 10^{-15}$
16	$H_2O + H = H_2 + OH$	$1,9 \cdot 10^{-12}$

Ҳисоблаш натижалари 4-жадвалда келтирилган, бу ерда (+) - квази-стационар ҳолат; (-) - стационар ҳолат йўқ.

4-жадвал.

$p = 50$ тор; $\eta_{H_2O} = 0,013$ даги стационар концентрациялар

Таркибий қисмлар	$\eta_{O_2} = 0.217$		$\eta_{O_2} = 0.740$		$\eta_{O_2} = 0.860$	
	см^{-3}	с	см^{-3}	с	см^{-3}	с
ОН	$0,51 \cdot 10^{14}$	1	$0,51 \cdot 10^{14}$	1	$0,51 \cdot 10^{14}$	1
НО ₂	$0,21 \cdot 10^{13}$	1	$0,21 \cdot 10^{15}$	1	$0,21 \cdot 10^{15}$	1
О	$0,34 \cdot 10^{14}$	1	$0,19 \cdot 10^{14}$	1	+	+
Н	$0,10 \cdot 10^{14}$	1	$0,17 \cdot 10^{13}$	1	+	+
Н	$0,38 \cdot 10^{16}$	1	$0,19 \cdot 10^{11}$	1	-	-
Н ₂	$0,11 \cdot 10^{12}$	10	$0,19 \cdot 10^{11}$	100	+	+
НО ₂	+	+	$0,86 \cdot 10^{13}$	1	-	-
О ₃	-	-	$0,98 \cdot 10^{16}$	100	-	-
НО	-	-	$0,15 \cdot 10^{15}$	100	-	-
О ₂ ^S	-	-	$0,53 \cdot 10^{11}$	100	-	-

Икки ўлчовли ҳолатда, бошқарув параметрлари фазосидаги бифуркация чегаралари аналитик шаклда топилади:

Босимнинг пастки чегараси:

$$p^* = p_0 \cdot \varphi_0^{2/3} \quad (10)$$

$$p_0 \equiv \sqrt[3]{\frac{K_{11}^2 (K_2/K_1) v_3}{K_{10} \cdot K_{14} \cdot O^3}}, \quad \varphi_0 \equiv \frac{(1 - \eta_{H_2O} - \eta_{O_2}) \sqrt{\eta_{H_2O}}}{\eta_{O_2}^2}, \quad (11)$$

бу ерда η_i – бошланғич газ аралашмасынинг нисбий таркиби, K_i – i -реакция тезлигининг доимийси, ν_3 – H_2O нинг диссоциация частотаси, O - бу ҳароратга боғлиқ бўлган коэффициент. Юқори чегара:

$$p^{**} = p_1 \cdot \varphi_1^{2/3}; \quad (12)$$

$$p_1 \equiv \sqrt{\frac{K_{11}^2 \nu_3}{K_{10}^2 K_{14} \cdot O_3}}; \quad \varphi_1 \equiv \frac{2(1-\eta_{\text{H}_2\text{O}})\sqrt{\eta_{\text{H}_2\text{O}}}}{\eta_{\text{O}_2} \left(\frac{K_1}{K_2} + 1 \right) \eta_{\text{O}_2} + \eta_{\text{H}_2\text{O}} - 1}; \quad (13)$$

p^{**} фақат $\eta_{\text{O}_2} > \dot{\eta}_{\text{O}_2}$ учун аниқланади, бу ерда $\dot{\eta}_{\text{O}_2}$ - бу босим барқарорлиги зонасининг юқори чегарасининг асимптотаси, қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\dot{\eta}_{\text{O}_2} = (1 - \eta_{\text{H}_2\text{O}}) / (1 + K_1/K_2). \quad (14)$$

4-жадвалда кимёвий фаол таркибий қисмларнинг кинетикасини ҳисоблаш натижалари кўрсатилган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқадики, $p < p^*$ ($\eta_{\text{O}_2} = 0,217$) бўлганда, $[\text{O}_3]$, $[\text{NO}]$ ва $[\text{O}_2^S]$ концентрациялар аста-секин ўзгаради, қолган таркибий қисмлар эса стационар ҳолатга нисбатан тезроқ етиб боради. Стационар ҳолатда фазавий фазода эгарнинг мавжудлиги аниқланди. Физик жиҳатдан, бу $[\text{O}_3]$ концентрациянинг пасайишига олиб келади, бу чегарада у нолга тушади ва шу билан 9 ва 12-каналлар ёпилади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, бошқарув параметрлари бифуркация нуқтаси яқинида секинлашади. $p > p^{**}$ ($\eta_{\text{O}_2} = 0,86$) шарт бажарилганда турғун тугун H ва HO_2 учун нотурғунга айланади.

Электрон ион тизимнинг мувозанат шароитида макромолекуланинг ўлчамлари бўйича тақсимооти Пуассон функцияси билан ифодаланади, яъни унинг дисперсияси билан ўртача қиймати бир хил эканлиги кўрсатилган. Фазали ўтишнинг критик нуқтасида аномал дисперсия кузатилади. Шунинг учун, мувозанат шароитида, зич тузилишдан ғовак тузилиш шаклидаги фазавий ўтиш эҳтимоли юзага келади. Макромолекуланинг фрактал ўлчови фазавий ўтишнинг баъзи хусусиятларини аниқлайди ва бу қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади

$$\gamma = \ln(n) / \ln(R/r). \quad (15)$$

Нанополимер тизимининг зичлиги ва макромолекула ҳажми ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди (4-расм):

$$\ln(\rho) = \ln(const) - d \cdot \ln(R) \quad (16)$$

Ушбу расмдан кўришиб турибдики, $[R_{\min} - R_{\max}]$ ўлчов оралиғи мавжуд, унинг ичида макромолекула фрактал тузилишга эга.

Макромолекуланинг асосий хоссалари, унинг фрактал тузилишига қараб, қуйидаги тартибда намоён бўлади:

а) макромолекула зичлиги унинг R - чизиқли ўлчамини катталашини билан камади;

б) макромолекуланинг фрактал ўлчовининг катталашини билан зичликнинг ўлчамга боғлиқлиги пасаяди;

с) макромолекула тузилишининг фракталлик хоссалари икки томондан ўлчам билан чекланган, пастки- R_{\min} ва юқори- R_{\max} чегаралари экспериментал

маълумотлар билан таққослаш (ярим эмпирик ёндашув) йўли билан аниқланади.

Электрон ион жараёнларини синергетик моделлаштириш куйидаги икки босқичдан иборат:

а) макромолекула ЧАГ нотурғунлигини аниқлаш;

б) тартиб параметрлари сифатида нисбатан секин ўзгарадиган қисм олинади.

Виброн тасаввурлар реакция координатасини топишга ва бошқарув параметрлари билан ЮЭМО ва ПБМО энергия сатҳлари ўртасидаги боғланишни аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг “**Бир неча турдаги кимёвий реакцияларда электрон-ион жараёнларининг ўз-ўзини ташкиллаштириши**” номли тўртинчи бобда синергетик моделлаштириш усули билан кимёвий реакцияларнинг бир қатор турлари ўрганилган.

1. Катенан ҳалқасимон молекулаларини ажралиш реакциясини синергетикавий моделлаштириш. Катенан икки қўшалок ҳалқа сифатида тасвирлаланади. Топоизомераза ферменти билан катенан ҳалқаларини бирикиш жойлари - χ_1, χ_2 айлана шаклида кўрсатилган (5-расм). Бу расмда R – улар орасидаги масофа; σ – биринчи мувозанат ҳолатида топоизомераза доменлари орқали катенаннинг бир ҳалқасини бирикиш жойи белгиланган. X_1, X_2 ва Y_3 стрелкали ўқлар ёрдамида доменлараро боғларнинг силжиши кўрсатилган. Q_{1g}, Q_{2g} – доменларнинг жуфт симметрияга эга бўлган силжишлари акс этирилган. Узук-узук стрелка топоизомеразанинг ичидан биринчи ҳалқани янги мувозанат ҳолатига силжиш йўналишини кўрсатади. Субстрат-фермент комплекснинг адиабатик потенциали (АП) жуфт координата бўйлаб силжишда куйидагича ифодаланади: $\varepsilon_3 = \varepsilon_g - CQ + \frac{1}{2}kQ^2$. Бу ерда, ε_g – электрон асосий ҳолатининг энергияси; k – куч доимийси $Q = \sqrt{Q_{1g}^2 + Q_{2g}^2}$ – реакцияга мойил конформация (РМК) доменларининг силжиш координаталари, C - виброн доимийси.

Электрон субстратдан ферментга ўтгандан сўнг энергия қиймати куйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади. $\varepsilon_2 = \varepsilon_q + \gamma Q + CQ + \frac{1}{2}kQ^2$; $\gamma = -\frac{2A}{R^3}$; $A = \frac{e^2}{4\pi\epsilon\epsilon_0} Z_1 \cdot Z_2$. Бу формуладаги эффектив зарядлар Z_1 ва Z_2 реакция давомида ўз қийматини ўзгартиради.

Ян-Теллер эффекти туфайли катенан ва ферментнинг ўзаро яқинлашиш босқичида 1-“атом” Q_{1g} координатаси бўйлаб силжийди, бу доменнинг тартиб олиншига ҳисса қўшади. 1-“атом” ферментнинг Z^{++} марказига яқинлашганда, заряд кўчиши содир бўлади. Бу жараён ε_3 ва ε_2 - термларнинг кесишиш нуқтаси яқинидаги нурланишсиз ўтишдан иборат бўлиб, унинг координатаси: $Q_{23} = \frac{\varepsilon_g - \varepsilon_q}{2C - \gamma}$ ифода ёрдамида топилади. Маълумки, бундай ҳолатда ўтиш эҳтимоли куйидаги формула билан ҳисобланиши мумкин:

$$\omega = \frac{4\pi V^2 (2m)^{2/3}}{(h/2\pi)^{4/3} (F_3 \cdot F_2)^{1/3} (F_2 - F_3)^{2/3}} \Phi^2 \left(-kT \left(\frac{2m}{(h/2\pi)^2} \right)^{1/3} (1/F_3 - 1/F_2)^{2/3} \right), \quad (17)$$

бу ерда, $\Phi(x)$ – Эйри функцияси, V – ўтиш матрицасининг элементи, T – ҳарорат, m – конформернинг массаси. Термларнинг кесишиш нуқтасидаги қиялик бурчаги қуйидаги формулалар бўйича виброн параметрларга боғлиқ бўлади:


$$F_3 = \frac{k(\varepsilon_g - \varepsilon_q) - C(2C + \gamma)}{2C + \gamma}; \quad F_2 = \frac{k(\varepsilon_g - \varepsilon_q) + (\gamma + C)(2C + \gamma)}{2C + \gamma}; \quad F_2 - F_3 = \gamma + 2C \quad (18)$$

Заряднинг кўчиши туфайли, $Z_1 Z_1 + 1$ га айланади ва Z_2^{++} эса $Z_2^{++} - 1$ га айланади, Кулон итариш кучлари юзага келади. Ушбу жараён топоизомеразанинг фаол марказининг зарядланиши билан боғланган ҳалқани унга мувофиқ тарзда очилишидан иборат бўлади.

2. Дезацетилланиш реакциясининг элементар босқичини ўрганишнинг микроскопик модели. Хитин ЧАГининг учта компоненти кўриб чиқилади. 6-расмда ацетил гуруҳи ва N -ацетилглюкозаминнинг пираноз ҳалқаси ўртасидаги кимёвий боғланишнинг нотурғунлигига олиб келадиган протон яқинлашувида дезацетилланиш реакциясининг координатаси кўрсатилган. Ушбу расмда кўрсатилгандек реакция координаталарига мос келадиган симметрия икки турда (жуфт ва тоқ) бўлади.

Ушбу тебранишлар ацетил гуруҳи ва пираноз ҳалқаси ўртасидаги кимёвий боғни узилишига олиб келади. Ушбу жараён кимёвий тизимнинг маълум бир таркибий қисмини автокаталитик тарздаги реакция кинетикасида ўзини намоён қилиши кўрсатилди.

Реакция кинетикаси. Хитиннинг ишқорий гидролизининг автокаталитик босқичининг қуйидаги схемаси кўриб чиқилди:



Хитин макромолекулалари протонни ютиш орқали бу реакцияни фаоллаштиришда учинчи тананинг вазифасини ўтайди. Синергетика принципига кўра, ушбу реакциянинг кинетикасини ва автокаталитик реакциянинг асосий схемасини ўрганишда тезкор компонент - H^+ ни истисно қилишимиз мумкин $X + Y = 2Y$. Бундай схемадаги автокаталитик реакция синергетикада кўп қўлланилади. Хитиннинг мономер ҳалқаси иккиламчи амин бўлиб, у N -ацетилглюкозаминдан иборатдир. Унинг таркибидаги азот атоми пираноз ҳалқасининг C_2 углероди ҳамда ацетил гуруҳи билан боғланган (6-расм) бўлади. Бундай тузилмада ацетил гуруҳини протон билан сиқиб чиқарилиш жараёнини моделлаштириш қуйидаги АП ёрдамида амалга оширилади:


$$\varepsilon = \frac{\varepsilon_u + \varepsilon_g}{2} + \frac{1}{2} k Q_u^2 - \frac{1}{2} \sqrt{(\Delta + w_g)^2 + 4|aQ_u + w_u|^2} \quad (20)$$

a – виброн доимийси; k – куч доимийси; Z га боғлиқ қуйи симметрияга эга кўзғолишларнинг w_g – жуфт ва w_u – тоқ таркибий қисмлари.


Агар $\frac{4|aQ_u + w_u|^2}{(\Delta - w_g)^2} < 1$ шарт бажарилса (20) ифодадан қуйидаги тақрибий ҳисоблаш формуласини топамиз:

$$\tilde{\varepsilon} = \varepsilon_g - \frac{w_g}{2} + \frac{1}{2} \left[k - \frac{2a^2 + \frac{w_u^2}{Q_u^2}}{\varepsilon_g - \varepsilon_u + w_g} \right] Q_u^2 \quad (21)$$

Ушбу (21) ифодадан кўриниб турибдики, реакцияга мойил конфигурация электрон тизимининг куйи симметрия кўзғолишлари виброн лабилзация жараёнини кучайтиради ва шу билан дезацетилланиш жараёнини тезлаштириши мумкин.




5-расм. “Катенан + топоизомераза - II” тизимининг уч атомлик чегараланган атомлар гурухи



6-расм. Маромолекула ЧАГ конфигурацияси ва дезацетилланиш реакциясининг геометрияси

